

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/> t.me/farhaqiqati

Жараён

ҲАМКОРЛИК БИР-БИРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

АСОСИЙ МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛГАН, НАВБАТ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА

Ўзбекистон - Қирғизистон муносабатларининг қай даражада эканига қўшни Фарғона ва Баткен вилоятлари ҳаммиса барометр бўлган. Чунки Ўзбекистоннинг Шохимардон қишлоғи, Сўх тумани Қирғизистондаги ичора худуд бўлиб, чегара постларидаги

аҳоли кайфияти асосий баҳо мезонларидан бирига айланган. Шунинг учун ҳам икки давлат Президентларининг ўзаро учрашувлари чоғи, бу вилоятлар раҳбарлари учун тезкор қарорлар қабул қилиш, ўзаро муносабатларда мустақиллик ва масъулият масаласи алоҳида кўрилади.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги делегациянинг Баткен вилоятига навбатдаги ташрифи, унинг гувернатори Абдукарим Алимбоев раҳбарлигидаги қўшни вилоят расмийлари билан учрашуви ўзаро мулоқотларнинг мантқий давоми эди. Баткен вилояти ҳокимлигида

бўлиб ўтган хос ва делегациялар учрашувида қадимдан оғанин бўлиб келган халқлар фикр ва мақсадларидаги муштараклик давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли қабул қилинган ҳамкорлик дастури амалий ижросининг ифодаси экани алоҳида таъкидланди.



Хайрулло Бозоров, Фарғона вилояти ҳокими:

- Биз бугунги ташрифимиз давомида иккита йўналишга асосий уруғ бердик. Биринчи йўналиш - иқтисодий алоқаларни кучайтиришга қаратилган. Энг аввало, икки томонлама манфаатли бўлган янги корхоналарни ташкил қиламиз. Ҳозирги кунда 10 нафар фарғоналик тадбиркорлар Баткен вилоятига келиб, ўзларининг бизнесларини юритиш юзасидан таклифларини билдиришди. Булар, энг аввало, саноат, қишлоқ хўжалигидаги йўналишда. Абдукарим Каримбекович билан Фарғона вилоятидан келган тадбиркорлар учун кичик саноат зонасини яратиш масаласини ҳам кўриб чиқяпмиз. Бундан ташқари, туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасига алоҳида эътибор қаратдик. Шохимардонга келган турист, албатта, Қуббонқўлга чиқиши, у ерда дам олиши керак. "Дугоба" альпинистик лагерини қайта тиклаш ва Ёрдон қишлоғи тепасидаги минглаб гектар арчзорлар ўртасида дам олиш уйлари ташкил қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ўйлайманки, бу ишларни биргаликда амалга ошириб, йил охири ва келгуси йилда иқтисодий соҳада катта ижобий натижаларга эришамиз.



Абдукарим Алимбоев, Баткен вилояти гувернатори:

- Қизилқия шаҳрига Ўзбекистондан 10 та автобус, 200 та махсус техникалар сотиб олинди. Иқтисодий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон - Қирғизистон фонди пулларидан фойдаландик. Бу йил туристларнинг сони тўрт баробарга кўпайган. Чегара-ўтказиш пунктларининг ҳар бирини бориб ўрганимиз. Хизмат кўрсатиш шарт-шароитларини яхшилашга ҳаракат қиламиз. Биз ўзбек биродарларни "Хуш келибсиз!" деб кутиб олишга доимо тайёرمىз.



ДЎСТЛИК КЎПРИГИ ЯНА ИШГА ТУШДИ

Сўх дарёсидаги кўприк икки халқни бирлаштиришга хизмат қилган воситаларнинг бири. "Туу" чегара назорат-ўтказиш пунктидаги кўприк табиат инжиқликлари, тоғлардан келатган сув оқимининг баъзи йиллар меъёридан ошиб кетиши натижасида таъмирталаб ҳолатга келган эди. Фарғона ва Баткен вилоятлари раҳбарлари бошчилигидаги делегация аъзолари бу ерда икки халқ вакиллари билан учрашди. Унда сўнгги йилларда давлатлараро муносабатларнинг энг юқори даражасига эришилгани мамнуният билан таъкидланди. Тудгани кўприк Қирғизистон томонидан таъмирланиши муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига қўшилган хисса деб баҳоланди. - Бу кўприк 1982 йил куриб фойдаланишга топширилган. 50 йилдан бери катта сел дарё ўзанидан ошиси сабабли авария ҳолига келган, - дейди халқ депутатлари Сўх тумани Кенгаши депутати Хамрали Хайдаров. - Икки мамлакат ҳамкорлигида қирғиз эли қурувчилари 2-3 ойда куриб фойдаланишга топширишди. Аввал Риштон туманига ўтадиган бўлса, 180 километр йўл босар эдик. Ҳозирги кунда бу кўприк орқали 35 километр йўл юрамиз холос. Халқимиз бу кўприкни



абдулабад "Дўстлик кўприги" деб атадилар. "Дўстлик кўприги" мукамал мустаҳкамланган, асфальтлаб, ободлаштирилган эди. Унинг қайта ишга тушиши дарёнинг икки ёнида яшовчи аҳоли учун қувончли воқеага айланди. - Давлатимиз раҳбари Саидир Жапаров ҳамда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўртасида тузилган битимлар асосида Баткен вилояти гувернатори ва Фарғона вилояти ҳокими билан биргаликда "Дўстлик кўприги"ни очиб беришди. Энди биз икки халқ тўғрисида бемалол бир-биримизникига бориб-келишимиз мумкин. Мен қирғиз эли номидан икки мамлакат раҳбарларига катта раҳмат айтаман, - дейди қирғизистонлик маҳалла оқсоқоли Олчинбой Тўрлюев.

ЧЕГАРА - ХАЛҚЛАР БИРЛАШУВИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Дунёда икки юзга яқин давлат бўлса, унинг барчасида чегара-назорат ўтказиш пунктлари бор. Одамлар ва юк оқими, демакки, қўшни давлатлараро муносабатлар қай даражада эканига шу ерга қараб ҳам хулоса чиқариш мумкин. Икки вилоят раҳбарлари бу масканлар фаолиятини доимо ўрганиб, назорат қилиб турадилар. Бу гал ҳам "Риштон", "Водил", "Оққия", "Қувасой" чегара назорат-ўтказиш пунктларида бўлиб, аввало, аҳоли, юк ташувчи транспорт воситалари ҳайдовчилари билан мулоқот қилдилар. Ёз ойларида Шохимардонга дам олишга борувчилар сони бир неча баробар ортгани туфайли, юзга келган айрим тижилчилик масалаларини ўргандилар ва унинг ечими юзасидан амалий чоралар белгиланди. Икки давлат чегара ва боғжона тизими вакиллари билан учрашувида уларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди.

ТОВАР АЙИРБОШЛАШДА МУҚОБИЛИ ЙЎҚ УСУЛ

Икки вилоят делегацияси Қизилқия ва Қувасой ўртасидаги чегараолиди худудини бориб кўрдилар. Бунинг сабаби бор эди, албатта. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг Қувасой ва Қизилқия чегараси орқали қирғизистонлик, ўзбекистонлик ҳамда учинчи томон - Хитой инвесторлари томонидан кўмирни Қирғизистондан Ўзбекистонга транспортёр лентаси орқали экспорт қилиш, яъни Қирғизистоннинг бу худудидидаги омборидан 1,5 километр узунликда транспортёр лентасида кўмирни Ўзбекистонга олиб ўтиш кўзда тутилган. Маълумки, Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош бу худудидида катта кўмир

қони бўлиб, унинг асосий харидори қўшни Фарғона вилоятидир. Бугунга қадар кўмирни йирик автомашиналар, темир йўл юк вагонларида ташиб келтирилмоқда. Энди эса томонлар ғоят ноёб усулни қўллашмоқчи. Бу лойиҳага Хитой тадбиркорлари тўғридан тўғри инвестиция киритмоқчи. Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров билан учрашган "Shansi coal investment group" компанияси вакиллари йилга 6 миллион тонна кўмирни лентали конвейер тизими орқали етказиб бериш лойиҳасини молиялаштирмоқчи. Аммо ҳали икки давлат божхона хизмати ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари доирасида бу масала кўриб чиқиши лозим.

ҲАМКОРЛИКНИ АМАЛИЙ ИШЛАР МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Фарғона ва Баткен вилояти раҳбарлари бошчилигидаги делегация аъзолари бир кунда 400 километрга яқин йўл босиб, Риштон, Сўх, Шохимардон ҳамда Қувасой худудидидаги бешта чегара-назорат ўтказиш пунктларида бўлдилар, шу худудлардаги Қирғизистон ва Ўзбекистон фуқаролари билан учрашди-

лар, қўшма иқтисодий лойиҳалар ижросига боғлиқ манзилар билан танишдилар. Ва, энг муҳими, ҳар ерда бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилиш кузатилди. **Мухаммадхон ОБИДОВ. Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**

26060102 ЖИНОЯТ ИШИ: -СОНЛИ

НЕГА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМИГА ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛГАН ЭДИ?

Ушбу сатрларни битмоққа икки ҳолат сабаб бўлди. Биринчиси, "Миллий тикланиш" газетасининг 2024 йил 26 июндаги 23-сонида "Иқдор" рўкни остида чоп этилган "Ҳақиқат синмайди" сарлавҳали мақола, иккинчиси, ҳозир тилга олинганда воқеликларнинг ўзбек матбуотида илгари ҳам, ҳозиргача ҳам рўй бермаган, аниқроғи рўй беришини тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳодисанинг аслида содир бўлгани журналистик тарихи учун аҳамиятли деб ҳисоблаганим эди. Мен, Обидов Мухаммадхон 1951 йилда Марғилон шаҳрида туғилганман. 1968-1973 йилларда Тошкент Давлат университети (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети) журна-

листика факультетини тугатиб, телевидение ва босма нашрлар, интернет сайтларида ишладим, ҳозир ҳам ЎзАнинг мухбириман. Ҳаёт йўлим касбим билан боғлиқ жуда кўп машаққатли сўмоқлардан ўтди. Сабоб берган, амалиётда қайта тарбиялаган устозларим Тўғон Эрнazarов, Элбек Мўсаев, отам Долимов Обидов журналист ҳар қандай шароитда ҳам ҳақ гапни айтиши керак, деб уқтирдилар. Умр бўйи шу ўғитга риоя қилдим. Холислик, адолат, ватанпарварликни қалбим қондасига айланттирдим. Меҳнатимга яраша кадр топдим. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони беришди, Олий Мажлис депутатлигига сайландим, "Олтин қалам" миллий мукофоти, "Дўстлик" орденига лойиқ

қўрилдим. Аммо... бу йўл осон кечмади. Неча бор туртидим, сурилдим, четлатилдим. Вазирлар Маҳкамасида муҳокама қилиниб, вазирадидан озод қилинган журналист ҳам балки ёлғиз мендирман. Қалбим озорларга тўлиб тошганида буни қилиш деб билдим, ўзимда курашишга куч, ирода топдим. "Иқдор" рўкни остидаги мақола ҳам уша озорларнинг бири ҳақида эди. Мен узок йиллар уни унуттишга ҳаракат қилдим. Гарчи шахсий архивимда тўхматнинг тўхмат эканини судда исботлаган далилларим жидд-жидд бўлиб ётган бўлса-да, уларни қайта варақламаганим. Лекин бу гал, бу мақола туфайли шунга жазм қилдим. Воқеликлар 1994-1996 йил-



да рўй берди. Вилоят ҳокими мен, Ўзбекистон телевидениеси "Ахборот" дастурининг мухбири тайёрлаган таққидий мақолалар ёқмай қолди. Шунда вилоят раҳбарияти репортёрларда кўтарилган муаммо билан эмас, уни ошкор қилган журналистга қарши режали иш бошлади. Вилоятда мансабдорлар амалини сунистеъмом қилиб, Туркиянинг "Язекс" фирмаси фойдасига пахта толаси нархини биржа нархларига нисбатан арзонлаштириб шартнома туздилар. Лекин "Язекс" маҳсулот ҳақини тўламай Ўзбекистондан, Фарғонадан ўн минг тонна пахта толасини олиб чиқиб кетди. Кейин Фарғона ёғ-мой корхонаси ҳам Польша компанияларидан бири - "Браун LTD"га шу йўл билан тола чиқариб юборди. У ҳам куруқ қошиқ билан қолди. Уша йиллари хўжалиқнинг давлат шартномасидан ортиқ етиштирган пахта толасини "Узи" сотишга рухсат берилганди. Буни аслида "Пахтасаноат" вилоят бирлашмаси бажарар эди. Қонунчиликдаги эркинликдан улар ўз манфаатлари йўлида обдон фойдаланиб, ҳатто паст нархларда тузилган шартномалар шартларини ҳам бажармаган ҳориждаги "харидор"ларга ҳақини аввалдан олмай пахта толасини жўнатдилар. Кейин маълум бўлдики, икки "харидор"нинг бири сохта фирма экан. Толани олди-ю, гўё сувга чуққан тошдек "дунё харитаси"дан йўқолди. Пешона тери тўқиб пахта етиштирган деҳқон ҳам, ширкат ҳам бир тийинсиз қолди. Бундай жиноятга қўл урган раҳбарлар эса ё тажрибасизлик қилган ёки...

Мен бу воқеликларга жим қараб туролмадим. Журналистик виждоним дош бермади. Кетма-кет "Ахборот"да телерепортажларим намойиш этилди. Шов-шув кўтарилди. Айбодлар қидирилди. Халқро судга бермоқчи бўлдилар харидорларни. Аммо... уларни топа олмадилар. Шунда бир алами икки бўлганлар воқеликни фойда эган журналистдан ўч олмақчи бўлишди. Кўп режалар тузилди. Шулардан бири журналистини шарманда қилувчи мақола чоп этиш эди. Э-хе, кейин маълум бўлдики, бунинг учун Фарғона вилоят ҳокимлигида неча бор тор доирада машварат, маслаҳатлар ўтказилган экан-у! Бир сабаб туфайли мен "Халқ сўзи" газетасининг ўша пайтдаги вилоят мухбири Наби Собиров билан 1993 йилдан бундан умуман гаплашмай қўйганим. 1996 йил апрель ойи эди. Ярим тунда Андижон вилоятидан уйга қайтсам, мени Наби Собиров йўқлаб келгани ва телефон қилишимни, менинг тақдирим билан боғлиқ муҳим гапи борлигини айтиб кетибди. Соат тунги 23 лар чамаси унга кўнғироқ қилдим. - Кўришимиз керак, - деди у қатъий. Мен у тайин қилган жойга бордим. - Мендан хафалигингни бир лаҳза унутиб, гапимни эшитинг. Вилоят ҳокимининг топшириғига қўра, унинг матбуот қотиби сиз ҳақингизда фельетоннома мақола ёзиб, остига менинг фамилиямни қўйиб, "Халқ сўзи" редакторига етказди. Ўқидим, жиддий айбодлар бор.



ЁЁЛ БОРАР...

Турмушнинг завоори юкни сўқариб

Оминахон Зияева Учқўприк туманининг фаол аёлларидан. Тумандошлари орасида Холисхон номи билан танилган опанинг асл исмини очиги, кўпчилик билмайди.

Қилишни бирдек удалаган бекага қайнонасининг меҳри ҳам бўлакча эди. Оилавий масалалар Омина опа иштирокисиз ҳал этилмади.

Замон билан ҳамнафас яшашига ўрганган тадбиркор аёл бугунги кунда урфга кирган турли маросимлар учун саҳна безатиш, совундан гул ясаш, кўл меҳнати билан совгалар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди.

Аксинча пайтлари ўзини дадил тутишга, қаддини ростлашга уринади. Сўхбатимиз чоғида ўттиз йилга яқинлашган оилавий турмушида баъзан "мушт" кўрганини рўй-рост сўзлайди.

Қишлоқларни яёв кезганда...

Қайрағоччиликнинг тадбирли одамлари

ИШКОМЛИ КЎЧА

Риштон туманининг Қайрағоч қишлоғи ҳудудида "Сохибкор" ва "Қайрағоч" маҳалла фуқаролар йиғинлари жойлашган.



750 метр узунликдаги кўчага тўлиқ цемент қопланди. Икки тарафида 24 тадан, 48 та шина хонадон бор.

СУБСИДИЯ АССИҚХОНА - ДАРОМАД МАНБАИ

Ишсиз, кам таъминланган 4 нафар аёлга маҳалла фаоллари аралашуви билан субсидия асосида иссиқхона куриб берилди.

Маҳалла чеварлари сафига Муаззамхон Бозорова, Нодирахон Деҳқонова сингари 16 нафар хотин-қиз қўшилди.

ҚАНДИНГНИ УР, ТАДБИРКОР!

Қайрағочлик тадбиркор Ҳасанбой Боййигитов қишлоқда гишт заводи барпо этди.



зиш билан банд. Бу ерда 30 нафар киши доимий иш билан таъминланган.

ЖИНОЯТГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Қаҳоржон Ҳакимов, хотин-қизлар фаоли Мехринисо

FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETI AKADEMIK LITSEI

- 2024-2025 o'quv yili uchun quyidagi ish o'rinariga tanlov e'lon qiladi: 1. Matematika (o'zbek guruhlarda) - 1 ish o'r.in. i 2. Matematika (rus guruhlarda) - 1 ish o'r.in.

Arizalar 2024-yil 15-avgustga qadar qabul qilinadi. Manzil: Farg'ona shahar, Quvasoy ko'chasi, 17-uy

Ўзбекистон Республикаси Вази ралар Мақҳамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган

Шунга кўра, кредиторлар ўз талаблари кўрсатилган аризалар билан Фарғона тумани, "Юқори Водил" маҳалла фуқаролар йиғини, Яхши ният кўчаси, 58-уйга муурожаат этишлари мумкин.

"Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК Онлайн-аукцион савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика Инкассация хизмати давлат унитар корхонаси Фарғона вилоят бошқармаси билан 2024 йил 12 июлда тузилган

Table with 4 columns: T/p, Автотранспорт русуми, Ишлаб чиқарилган йил, Давлат рақами, Лот рақами. Lists auction lots for vehicles and equipment.

Аукцион савдоларида иштирок этиш - "E-ijro auktsion" ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

